

ЯССАВИЙ ИЗДОШЛАРИ ИЖОДИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

ISSUES OF SOURCE STUDIES IN THE WORKS OF THE FOLLOWERS OF YASSAWI

ВОПРОСЫ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ ПОСЛЕДОВАТЕЛЕЙ ЯССАВИ

Maryam ISHMUKHAMEDOVA
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF
ORIENTAL STUDIES

Candidate of philological sciences,
associate professor,

25, Shakhrisabz str., Tashkent, 100060, Uzbekistan
mumtoz1990@bk.ru

DOI: 10.47980/TLOI/2021/1/7

Abstract: This article deals with the works of the poets of the poetry school called Poets of the Yassawiya School, founded by Ahmad Yassavi. As its content has come via manuscript sources, the work derives its core from manuscripts kept at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni under the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The poets of this school are introduced through examples illustrating comparisons in their works. The research analyses the usage of their work in manuscripts and shows the growth in their number.

We have tried to analyze and logically group those manuscripts retained in the institute fund we mentioned. Next, we looked through the writing methods used in various works and made some comparative analyses. The research touched on projects related to poetic storytelling written by the poets and offered several solutions to solve some issues related to their belongingness to this school. It showed the need for serious source study and linguistic analysis. Reflecting on the current problems facing the researchers of Yassawi's work, we can say that the works of his followers require serious study, that the creation of a catalog of manuscripts is an urgent task.

Currently, insufficiencies in research done over Yassawi studies are vivid, this creates a great need to initiate the study over the works of their followers. Moreover, it illustrates an immense need to study each manuscript, their writing method, and the structure where their projects exist.

Here, we did comparative analyses of some poetic text of stories in manuscripts attributed to Ahmad Yassawi from a methodological point of view for compliance with the style of Yassawi before including the results of the research. In the study of the work of Yassawi, there have been no cases of writing poetic stories. We have to take this issue seriously

and not rush to conclusions. With this regard, we compared the poems attributed to Yassawi to the works of his followers.

Keywords: manuscript, source, gazelle (lyric), poetic story, mixed, pseudonym, collection, antique, poetry, scientific text

Аннотация: Статья посвящена творчеству поэтов, принадлежащих к литературной школе "Поэты школы Яссавия", основанной Ахмадом Яссави. В связи с тем, что произведения последователей данной школы дошли до нас в рукописных источниках, исследование основано на рукописных источниках, содержащих их произведения и хранящихся в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. На основе примеров из указанных источников освещено творчество поэтов-представителей данной школы, сходства и особенности в их творчестве раскрываются на примерах из произведений. Также даётся информация о том, в какой степени их произведения включены в рукописи, насколько дальнейшие исследования расширили ряды этих поэтов.

Были проанализированы и классифицированы хранящиеся в фонде упомянутого института рукописи, содержащие произведения поэтов этой школы.

В статье изложены особенности творчества поэтов школы Яссавия на основе изучения произведений, написанных несколькими поэтами на одну и ту же тему, автор сравнивает и сопоставляет произведения, излагает результаты проведенного исследования.

Наряду с вышеизложенным в статье идёт речь о поэтических повестях поэтов этой литературной школы, об исследовании тех аспектов которые решают вопрос принадлежности к данной школе. Нами было отмечено, что для решения этой проблемы необходимо провести серьёзное источниковедческое и текстологическое исследование.

Размышляя о текущих проблемах, стоящих перед исследователями творчества Яссави, автор отмечает, что серьёзного изучения требуют труды его последователей, что создание каталога рукописей и научных текстов каждого из них является актуальной задачей.

Необходимо отметить также и то, что текст нескольких поэтических повестей в некоторых рукописях, приписываемых Ахмаду Яссави, был сопоставительно изучен автором статьи с методологической точки зрения на соответствие стилю, изречениям Яссави, результаты исследования изложены в статье. До настоящего времени в изучении творчества Яссави не было выявлено случаев написания "шейху-л-машайих" ом поэтических повестей. Автор считает, что важно серьёзно отнестись к этому вопросу и не торопиться с выводами. В то же время исследователь сравнивает поэтические повести, приписываемые перу Яссави, с произведениями его последователей.

Ключевые слова: рукопись, источник, газель, повесть в стихах, диван, смешанный, псевдоним, сборник, древняя поэзия, научный текст.

Аннотация: Ушбу мақолада Аҳмад Яссавий асос солган “Яссавия мактаби шоирлари” деб номланган адабий мактабга мансуб шоирлар ижоди ҳақида сўз боради. Бу мактаб шогирдларининг асарлари қўлёзма манбалар орқали етиб келганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган уларнинг асарлари ўрин олган қўлёзма манбалар асосида иш қўрилган. Бу мактаб шоирлари кимлар, улар ижодидаги ўхшашлик ва ўзига хосликлар мисоллар ёрдамида очиқлаб берилган. Шунингдек, уларнинг асарлари қўлёзмалардан қай даражада ўрин олган, кейинги изланишлар натижасида бу шоирлар сафи қай даражада кенгайганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Юқорида мазкур бўлган институт фондида сақланаётган бу мактаб шоирлари асарлари ўрин олган қўлёзмалар таҳлил қилиниб, улар гуруҳлаб чиқилган.

Мақоланинг давомида Яссавия мактаби шоирларига хос бўлган хусусиятлар бир мавзу доирасида бир неча ижодкорнинг асар ёзиши масаласига эътибор қаратилиб, уларнинг ёзган бундай асарлари қийёслаб ўрганилиб, натижалари таҳлил этилган.

Шу билан бирга бу адабий мактаб шоирлари қаламига мансуб шеърӣ қиссачилик ҳақида, улардаги мансублик масаласининг ҳал этилиши зарур бўлган жиҳатлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Ва бу масалани ҳал қилишида юқори даражадаги манбашунослик ва матншунослик тадқиқоти олиб борилиши зарурлиги таъкидланган.

Бугунги Яссавийшунослик олдидан турган долзарб муаммолар ҳақида фикр юритилар экан, унинг издошлари ижодини жиддий ўрганилиши лозим бўлганлиги, уларнинг ҳар бирининг асарлари ўрин олган қўлёзмалар каталогини ва асарлари илмий матнларини тузиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги таъкидланган.

Бунда айрим қўлёзмаларда Аҳмад Яссавийга нисбат берилаётган бир неча шеърӣ қиссалар матни унинг ҳикматларига услубий жаҳатдан қёслаб ўрганилган. Изланиш натижалари баён этилган. Яссавийшуносликда бугунча “шайхул-машойих”нинг шеърӣ қисса ёзганлиги маълум эмас. Шунинг учун бу масалага жиддий ёндошиб, узил-кесил хулоса чиқаришига шошилмаслик таъкидланган. Шу билан бирга Яссавийга нисбат берилган шеърӣ қиссалар парчаларни унинг издошлар асарлари билан қийёсланган.

Калит сўзлар: қўлёзма, манба, газал, шеърӣ қисса, девон, аралам, тахаллус, тўплам, қадимий шеърӣят, илмий матн.

КИРИШ

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган “Девони ҳикмат” азалдан туркий тилли халқлар орасида севиб мутолаа қилинган. Ҳозирги кунда “Девони ҳикмат” қўлёзмалари нафақат туркий халқлар яшайдиган ўлкаларда, балки дунёнинг турли бурчакларидаги

қўлёзма фондларида сақланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондларида бу асарнинг 200 атрофидаги қўлёзмаси сақланади (турли китоб фондлари, музейлар, расмий ва шахсий кутубхоналар бундан мустасно). Бу қўлёзмаларнинг тавсифлари амалга оширилган [Eshmuxamedova M., 2003], “Девони ҳикмат”нинг йиғма-қийсий матни ҳам тузилган [Eshmuxamedova M., 2008; Eshmuxamedova M., 2010]. Лекин изланишлар ҳали давом этмоқда.

Хожа Аҳмаднинг бир нечта тарихий хизматлари бор. Улардан бири ўзига хос мактаб яратганлигидир. Бу мактаб шоирларининг ижоди ҳақида тадқиқот олиб борган олимлар уларнинг сонини 20 га яқин деб кўрсатганлар. Лекин бу мактаб шоирлари асарлари ўрин олган қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида тадқиқ этилаётган қўлёзмаларнинг сони ортган сари ижодкорларининг сафи ҳам кенгайиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

Биз аввалги изланишларимизда уларнинг сони 40 атрофида эканлигини аниқлаган бўлсак. Кейинги изланишлар натижасида яна янги номлар кашф этилди. Улар жумласига Қул Салим, Қул Зоҳидий, Мискин Аюб, Дарвеш Али, Қул Туфайлий, Аллоуддин, Қул Муҳаммад, Занги ота, Қул Зиёий, Жалолий, Қул Хаёлий, Толиб, Давоийи, Эшон Мухлис, Фозилий, Қул Мужрим роҳ, Шайдойи, Муҳаммадқули, Ҳажрий, Аҳмад хожа, Қул Ёдгор, Қаботий, Ошиқ Юсуф, Қул Саййидий, Ҳузурий, Эшон Хўжақули, Фахрийқул, Хўжа Ҳомид, Қул Сайфиддин, Қул Садойиъ, Қул Ожиз, Эшон Солих Андижоний ва бошқалар киради.

Улар бир томондан Аҳмад Яссавий бошлаб берган анъана – ҳикматнависликни давом эттирган бўлсалар, иккинчи томондан ғазал, муножот, шеърӣ қиссачилик ва бошқа жанрларда ҳам қалам тебратганлар. Ғазал жанридаги мисолларга эътибор қаратсак.

Масалан, Холисида:

*Ким азалдан барчани жонин шикор этган ўлум,
Барчани кўксини ғамдан доғи зор этган ўлум.*

*Kim azaldin barčani jānin šikār etgān ölüm,
Barčani köksini ғamdin dāyi zār etgān ölüm*
[№1576:64].

Қул Сулаймонда:

*Букун манга ҳадя ул жоним аъмолин кўрдум,
Нечун шодмон бўлмайин шайхим жамолин кўрдум.*

*Bükün mājā hadya ul jānīm a'mālīn kördüm,
Neçün šādmān bolmayīn šayxīm jamālīn kördüm*
[№3966:222⁶].

Қул Шарифда:

*Эй кўнгил, бел боғлама, кўпни кечурган дунядур,
Бу ўлумнинг шарбатин халққа ичурган дунядур.*

*Ey köñül, bel baylata, köpni keçürgän dunyadur,
Bu ölümnin şarbatın xalqqa içürgän dunyadur*
[№1910:114^a].

Бундай мисолларни бу мактабга тегишли бошқа ижодкорлар асарлари мисолида яна кўплаб келтириш мумкин. Биз эса шу мисоллар билан чекланамиз. Демак, бу мактаб ижодкорларига хос бўлган хусусиятлардан бири ғазал жанрида ижод қилиш экан. Улар ижодидаги ғазалнавислик ва муножот ёзиш мавзулари ўрганилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири экан.

МЕТОД

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Яссавий издошлари мактаби шоирлари ижодини манбашунослик жиҳатидан тадқиқ қилишдан иборат. Шу боис ушбу тадқиқотга Яссавий ҳамда унинг мактаби намоёндалари Холис, Қул Сулаймон, Қул ШарифИқоний, Қул Зоҳид, Убайдий каби шоирлар ижоди манба сифатида олинди. Тадқиқотни амалга оширишда ўзбек матншунослигидаги тажрибалар билан бир қаторда чет элларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар методикасига ҳам суянилд. Қиёсий, таҳлилий ва таснифий каби методлар шулар жумласидандир.

ТАҲЛИЛ

Бу мактаб шоирлари ижодида ғоя бир – илоҳий ишқ васфи, покликка, эзгуликка чорлаш, нопокликлардан сақланиш, умрнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиб охират тадоригини кўриш ва ҳоказо. Масалан, Аҳмад Яссавийда:

*Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмагил молинга бир кун қўлдин кетаро.*

*Beşak biliñ, bu dunyā barča eldin ötar-ā,
İmānmāgil māliñga bir kün qoldin ketār-ā*
[№5715:86a].

Қул Сулаймонда:

*Фоний эрур бу дунё барча халқдин кечкуси,
Неча узун яшасанг бир кун умрунг ўткучи.*

*Fāniy erür bu dunyā barča xalqdin ketküsi,
Neçä uzun yaşasañ bir kün 'umruñ ötküçi*
[№12441, 208a].

Холиса:

*Аё одам ўгли, гофил турма, ярогинг қил,
Ўлум санга бир кун етиб келур эрмиш.*

*Ayā ādam oyli, gāfil türmä, yarayiñ qil,
Ölüm sāñā bir kün etib kelür ermiş* [№1322:536].

Иқонийда:

*Бевафодур ушбу дунё, бил, ани поёни йўқ,
Ғайри ўлмакдин у кун охир анинг дармони йўқ.*

*Bevafādur uşbu dunyā, bil, anī pāyānī yoq,
ğayrī ölmäkdin u kün āxir aninğ darmānī yoq*
[№7488:63a].

Бу мактаб шоирлари ижодидаги умумий-ликлардан яна бири ишқ йўлида чекилган машаққатлар, бу йўлдаги риёзатлар ва кийинчиликларнинг таъриф тавсифидир. Улуғ ишқ, унинг манзилию даражаси, ошиқлик, унга лойиқ бўла олишлик масъулияти қуйланади. Яна манбаларга мурожаат этамиз:

Яссавийда:

*Аё дўстлар, пок ишқини қўлга олдим,
Бу дунёни душман тутуб юрдум мано.*

*Ayā dostlar, pāk 'išqini qolğa aldīm,
Bu dunyānī duşman tutup yurdum mān-ā*
[№3764:89a].

Ёки:

*Ишқ сиррини баён қилсам ошиқларга,
Тоқат қилмай бошин олиб кетар, дўстлар.*

*'İşq sirrini bayān qilsam 'āşiqqlarğa,
Tāqat qilmay başın alip ketār dostlar*
[№3764:346].

Қул Сулаймонда:

*Ишқ йўлига телим ошиқ кирди бўлгай,
Мендек қулла ўзин лойиқ кўрса бўлмас.*

*'İşq yolıya telim 'āşiq kirdi bo 'lğay,
Men-dek qullar özin lāyiğ körsä bolmas*
[№7488:806].

Қул Зоҳидда:

*Аё дўстлар, чўллар аро ҳайрон бўлуб,
Ишқ йўлида сарсон бўлуб қолдим мано.*

*Ayā dostlar, çollar ara hayrān bolup,
'İşq yolida sarsān bolup qaldīm mān-ā*
[№4002:476].

Мисолларга назар ташласак, Яссавийдан унинг издошларига қадар бадииятнинг юксалиб, гўзаллик

касб этиб борганини кузатамиз. Айниқса, Убайдий қаламига мансуб мисраларда буни яққол кўриш мумкин. Фикримиз исботи учун Убайдийдан яна бир мисол келтирамиз:

Ой юзи маҳваш қуёш янглиг жамолингдур жамил,

Лайлатул – меърож янглиг гисуйинг дурри тавил.

*Ay yūzi mahvaš quyaš yanliḡ jamāliṅdur jamil,
Laylatul – me'rāj yanliḡ gisūyiṅ durr-i taviḡ*
[№7154:916].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Яссавий ва унинг мактаби шоирлари асарлари ўрин олган жуда кўп қўлёзмалар сақланади. Яссавий мактаби шоирларининг асарлари Хожа Аҳмаднинг ҳикматлари сўнгида ёки унинг асарлари билан аралаш ҳолда кўчирилган. Шундай қўлёзмалар борки, улардан бу мактаб шоирларининг асарлари кўплаб ўрин олган. Улар сирасига: 998, 3966, 8405, 7488, 11111 ва бошқа қўлёзмаларни киритиш мумкин. Яна шундай қўлёзмалар ҳам борки, улардан Яссавий издошларининг асарлари кам миқдорда ўрин олган. Бундай қўлёзмалар сирасига: 7698, 12308, 1090, 2807 ва бошқаларни киритиш мумкин. Дикқатни тортадиган жиҳати шуки, қайси қўлёзмадан Яссавий асарлари ўрин олган бўлса, ўша жойдан унинг издошлари асарлари ҳам ўрин олган. Буни қандай изоҳлаш мумкин. Аҳмад Яссавий асарлари қанчалик севиб ўқилган бўлса, унинг издошлари асарлари ҳам шундайми ёки бошқа сабаб борми. Бу масалага навбатдаги манбашунослик йўналишида олиб борилган жиддий тадқиқотлар аниқлик киритиши мумкин.

Биз ана шу қўлёзмаларни синчиклаб ўрганиб чиқиб шундай фикрга келдикки, бу мактаб шоирлари ичида номи адабиёт оламига таниш бўлганлари ҳам бор. Айни дамда номлари таниш бўлмаганлари ҳам бор. Шунингдек, бизгача асарлари етиб келган бу мактаб шоирларининг ичида сермахсул ижодкорлар ҳам ёки асарлари кам учрайдиган ижодкорлар ҳам учрайди. Масалага аниқлик киритиш учун манбаларга мурожаат этамиз. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида “Девони ҳикмат”нинг кўплаб қўлёзмалари сақланади. Улардан Аҳмад Яссавий асарлари билан бирга, албатта, унинг мактаби шоирлари асарлари ҳам ўрин олган. Биз ана шу қўлёзмаларни энди бевосита Яссавий

издошларининг асарларини аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқдик. Натижа шундай бўлдики, уларда асарлари энг кўп учрайдиган шоирлар қуйидагилар экан: Қул Сулаймон, Шамс, Иқоний, Холис, Азим Хўжа Эшон, Қул Убайдий, Хувайдо, Сайқалий, Қул Назирий, Қул Шариф, Қул Темурий, Қул Салим, Мискин Қосим, Қул Зоҳидий, Қул Ғарибий, Қул Умурий, Аҳмад, Худойдод, Неъматуллоҳ, Залилий, Эшон Жазбий ва Иброҳим Адҳам.

Асарлари камроқ учрайдиган шоирлар қуйидагилар экан: Дарвеш Али, Мискин Айюб, Қул Туфайлий, Алоуддин, Қул Ҳайдарий, Саййид ота, Қул Камолий, Қул Муҳаммад, Занги ота, Қул Зиёий, Жалолий, Толиб, Муҳаммад Олим, Давойи, Эшон Мухлис, Фозилий, Қул Мужрими роҳ, Шайдойи, Муҳаммадқули, Ҳажрий, Аҳмадхожа, Қул Ёдгор, Ғариб Гулшан, Абдурашид, Қул Ўзгандий, Қаботий, Баҳоуддин, Ошиқ Юсуф, Қул Хўжа Аҳмад, Қул Саййидий, Ҳузурий, Эшон Хўжа Қули, Фаҳрий Қул, Хўжа Ҳомид, Азимқули, Қул Сайфиддин, Қул Садоийи, Эшон Исломиддин, Қул Хаёлий, Қул Ёдгор, Қул Ҳайдар ва бошқалар.

Булар бир нечта шоирми ёки бир шоир бир нечта тахаллус билан ижод қилганми бунга ҳам кейинги изланишлар натижаси аниқлик киритади.

Яссавий мактаби шоирлари ижодига назар ташланса улар ижодида ҳам ғоявий, ҳам услубий жиҳатдан шу қадар ўхшашлик кузатилади. Ижодда бу қадар ўхшашлик, айти дамда устоз бошлаб берган анъанага содиқ қолиш кишини ажаблантиради. Демак, Аҳмад Яссавий шоғирд-издош тарбиялашда ҳам ибрат бўларлик иш қилган экан. У бошлаган анъанани издошлари шунчалик маҳкам ушлаб, садоқат билан давом эттирганларки, бу мактабга мансуб бирор шоирнинг ана шу йўлдан бироз бўлса-да оғишганини учратмаймиз. Албатта, уларнинг ҳар қанча анъанага содиқ бўлсалар-да, ўзига хос услубларига ҳам эга эканликларини унутмаслик лозим. Яна манбаларга мурожаат этамиз:

Қул Сулаймонда:

Эски-туски бўрким бор, сариқ-суруқ кўрким бор,

Шайхим ишга буюрса бормасқа на эрким бор.

*Eski-tüski bõrkim bar, sariq-suruq kõrkim bar,
Şayhīm iṣḡā buyursa barmasqa na erkim bar*
[№1564:81a].

ёки:

*Букун манга ҳадя ул жоним аъмолин кўрдим,
Нечун шодмон бўлмайин шайхим жамолин кўрдим.*

Bükün mājā hadya ul jānīm a'mālīn kördüm.

Neçün şādmān bolmayīn šayhīm jamālīn kördim

[№3966:223a].

Кўриниб турибдики, Бокиргонийда ўзига хос кучли бадият, раволик ва бадий тасвир воситалари ва бўёқлардан фойдаланиш устун.

Иқонийда:

Худо муҳаббатидин ўзгани ҳавас қилма,

Иқоний,

Ҳаёт ёрида ушбу ҳавасни бас қилма.

Xudā muhabbatidīn özgāni havas qılma, İqāniy,

Hayot yarīda uşbu havasnī bas qılma

[№1564:139a].

Ёки:

Вафоси йўқ бу дунёни неча фикр айласанг,

асло

Насиҳатни ўзунгга, қил, бу сўзни жон билан

тингла.

Vafāsī yoq bu dunyānī neçä fikr aylasañ, aslā

Nasihatnī özünğä, qıl, bu sözni jān bilā tiñlä

[№7154:646].

Бу мисраларда анъанага содиқлик, айни дамда ўзига хос содда ва жайдари услубни кузатиш мумкин. Ҳатто вазн ва қофияда сакталик ҳам сезилиб турибди. Яъни Иқонийга хос “менлик” кўриниб турибди. Бу мактабнинг бошқа шоирлари ижодига мурожаат қиламиз.

Убайдийда:

Оғзиким, андин чиқар ҳайвон суйи янглиғ

ҳадис,

Эй Убайдий, улдурур айнан тусаммо салсабил.

Ayzi-kim, andin çiqar hayvān suyi yañliḡ hadiṣ,

Ey Ubaydiy, ul durur aynan tusammā salsabil

[№7488:100a].

ёки:

Қул Убайдий, қилмайким, дунёда эҳсони хайр,

Охиратда ҳамдамим эҳсон экандур билмадим.

Qul Ubaydiy, qılmay-kim, dunyāda ehsānī xayr,

Āxiratda hamdamīm ehsān ekāndür bilmādim

[№7488:103a].

Нихоятда ҳароратли, гўзал услуб. Сўз ва маъно билан боғлиқ нуқсонлар учрамайди. Ва айни дамда яссавиёна анъанага содиқликни ҳам учратиш мумкин. Бадий воситалардан ҳам ўрни билан фойдаланилган.

Юқорида бу мактаб шоирлари ва Яссавийнинг ўз шеърларидан айрим парчалар қиёслаб кўрилди.

Ана шу кичик мисоллардан ҳам маълум бўляптики, бу мактаб ижодкорлари шеърлари ҳар қанча ўхшаш бўлса ҳам, ўзига хос “Менлик” билан ажралиб турганини сезиш қийин эмас.

Шеърый қиссачилик ўзбек адабиёти тарихида салмоқли ўрин эгаллаган. Улар 2 хил: биринчиси халқ оғзаки ижоди намуналари тарзида. Булар жумласига “Тоҳир ва Зухра” // “Tāhīr va Zuhra”, “Санавбар” // “Sanavbar”, “Юсуф ва Зулайхо” // “Yusuf va Zulayhā” ва бошқалар киради. Иккинчиси эса алоҳида муаллифлар қаламига мансуб. Яссавий мактаби шоирлари ёзган шеърый қиссалар шу жумлага киради. Улар қуйидагилар: “Иброҳим қиссаси” // “İbrāhim qissasī”, “Вафотномаи Расул” // “Vafātñāmai Rasul”, “Имом Ҳасан ва Ҳусайн қиссаси” // “İmām Hasan va Husayn qissasī”, “Биби Фотима қиссаси” // “Bibi Fātima qissasī”, “Жавобнома” // “Javābnāma”, “Қиссаи Идрис” // “Qissai İdris”, “Қиссаи мақталномаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” // “Qissai maqtalnāmai imam Hasan va Husayn”, “Ҳазрат Али марсияси ва Ҳусайн қиссаси” // “Hazrat ‘Alī marsiyasī va Husayn qissasī”, “Абу Лайс қиссаси” // “Abu Lays qissasī”, “Ҳаким ота ҳикояти” // “Hakim ota hikāyatī”, “Иброҳим Адҳам қиссаси” // “İbrāhim Adham qissasī”, “Қиёматнома” // “Qiyāmatnāma”, “Маҳшарнома” // “Mahšarnāma”, “Али қиссаси” // “Alī qissasī”, “Пайғамбар меъроҷнома” // “Payğambar qissasī”, “Қиссаи Бурх” // “Qissai Burx”, “Қиссаи кийикнома” // “Qiaasi kiyiknāma”, “Мақталнома” // “Maqtalnāma”, “Исмоил пайғамбар қиссаси” // “İsmāil payğambar qissasī”, “Мўъжизайи меъроҷ” // “Mo’jizayī me’rāj”, “Марсияи он ҳазрат” // “Marsiyayī ān hazrat”, “Усмон ва Али” // “Usmān va ‘Alī”, “Васиятнома” // “Vasiyatnāma” (пайғамбарнинг сўнгги кунлари), “Қиссаи Иброҳим” // “Qissai İbrāhim”нинг турли варианты, “Вафотномаи ҳазрати Фотима” // “Vafātñāmai hazrat Fātima”, “Қиссаи Биби Марям” // “Qissai Bibi Maryam”, “Қубурнома” // “Quburnāma”, “Қиссаи азоби дўзах” // “Qissai azābī dozah”, “Қиссаи таваллуди Фотима ва духтарони Абу Жаҳл” // “Qissai tavalludi Fātima va duxtarāni Abu Jahl”, “Қиссаи Иброҳим ва Исмоил” // “Qissai İbrāhim va İsmāil”, “Вафотномаи Иброҳим” // “Vafātñāmai İbrāhim”, “Арвоҳнома” // “Arvāhnāma”, “Йатимномаи он ҳазрат” // “Yatimnāmai ān hazrat”, “Вафотномаи биби Марям” // “Vafātñāmai Bibi Maryam” ва бошқалар.

Санаб ўтилган бир туркум шеърый қиссалар бир қўлёзмада бир ном билан, иккинчи бир қўлёзмада эса бошқа ном билан учрайди. Масалан: “Қиссаи Иброҳим”, “Вафотномаи Иброҳим” тарзида ёки

“Имом Ҳасан ва Ҳусайн қиссаси” – “Қиссаи Имомзода” тарзида ва ҳоказо.

Шу билан бирга бу шеърӣ қиссалар бир қўлёзмада бир шоирнинг (Яссавий мактаби шоирларидан) таҳаллуси остида, иккинчи бир қўлёзмада эса шу мактабга мансуб бошқа бир шоир таҳаллуси билан учрайди. Масалан: “Иброҳим қиссаси”, “Вафотномаи ҳазрати Фотима” ва ҳоказо.

Шунингдек, бу мактаб аҳлига хос жиҳатлардан яна бири бир мавзу доирасида бир неча ижодкор қалам тебратган. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг ўғиллари Иброҳим ҳақидаги қисса Холисда ҳам бор, Қул Сулаймонда ҳам бор, бошқа ижодкорда ҳам бор. Лекин мавзу бир бўлгани билан бир мавзу ҳар бир ижодкор томонидан ўзига хос тарзда талқин этилган. “Биби Фотима” қиссаси Сайқалийда ҳам, Холисда ҳам бор, Шамсиддин Ўзгандийда ҳам бор ва ҳоказо. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, талқин турлича. Умуман олганда Пайғамбаримиз аҳли байтлари ва пайғамбарзодалар ҳақидаги бундай шеърӣ қиссалар бу мактаб аҳлидан кўпчилигининг асарлари рўйхатидан ўрин олган.

Ана шу шеърӣ қиссалардан бири Шамсиддин Ўзгандийнинг “Биби Фотима қиссаси”га эътибор қаратамиз: Воқеа Фотиманинг ўз қазоси етганидан хабар топиши билан бошланади. Она сифатида у фарзандларини меҳрибон волидаси экани, бека ва ёр сифатида Алига эътиборлилиги, унга садоқати, васияти ва ниҳоят мусулмон аёлларнинг қиёмат кундаги шафоатчиси сифатида талқин қилинган. Матндан мисол келтирамиз:

Кунларда(н) бир кун Фотима ул маҳшари Мустафо,

Ўзин вафотидин хабар топтики, ул хайрун-нисо.

“Марҳабо, кел, марҳабо”, - деди ўшал фахрун-нисо,

Жони дил бирлан қазога бўлди таслимур-ризо.

*Künlärdä(n) bir kün Fātima ul mahšari Mustafā,
Özin vafātidin xabarapti-ki, ul xayrun-nisā.*

“Marhabā, kel, marhabā”, - dedi oşal fahrūn-nisā.

Jāni dil birlān qazāya boldi taslimur-rizā [№ 431:246a].

Воқеалар тафсилотида эътибор қаратамиз: Фотима ювиниб-тараниб тургани устига кириб келган ҳазрат Алига ҳам илтифот қилмай, Ҳасан ва Ҳусайнни ҳам ювинтиради. Кейин бир неча кунга етарли нон учун ҳамир қоради. Бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлган Али бунинг боисини сўраганида, ноилож қолган Фотима айрилиқ онларининг яқинлашганини, фироққа ҳозирдан ўрганиш учун

унга қайрилиб бокмаганини, унга бокқан сари меҳри ортиб, тоқати етмаслигини айтади.

Асарда, бир томондан, икки садоқатли ёрнинг бир-бирига бўлган меҳру муҳаббати, иккинчи томондан, етим қолаётган Ҳасан ва Ҳусайн тақдири тасвирланган. Лекин ана шундай оғир ҳолатга ҳам сабрдан яхши пеша йўқлигини англай олган Фотима ва Алининг бир-бирига ўтинч ва васиятлари баён этилади.

Хуллас, Фотима образи ўлими олдидан ҳам ўзини эмас, барча инсонларни ўйлаётган аёл сифатида талқин қилинган. Асар ҳажми 122 мисрадан иборат.

Холисда эса бошқачароқ талқин этилган. Лекин бу асарда ҳам воқеа ҳазрат Фотиманинг ўз вафотидан хабар топиб, Алига васият қилиши билан бошланади. Унда ҳам меҳрибон она сифатидаги унинг хатти-ҳаракатлари, эрига васияти, айрилиқ аламини ҳис этган ҳазрат Алининг нолалари ва ҳоказо. Эътибор берилса асар мазмуни аввалги шеърӣ қиссага ўхшаш. Лекин услуб ва талқин ўзгача. Энди матнга эътибор берайлик:

*Кетарман Шоҳимардон, эмди сиз яхши қолинг,
Васият бир неча айлай, қўлогинга олинг дерман.
Қошимда ўлтуруб лаҳза қулоқ солинг дерман,
Ки мендин сўнг нечук кечкай сени мунда ҳолинг дерман.*

*Ketärmän Şāhimardān, emdi siz yaxshī qaliñ,
Vasiyat bir nečā aylay, qulayīnga aliñ dermān.
Qašimda öltürüb lahza qulaq salīñ dermān,
Ki mendin söñ nečük kečkäy seni munda hālīñ dermān.*

[Шахсий кутубхона:123a]

Бу шеърӣ қиссанинг ҳажми Ўзгандийникидан кўра анча катта. Аввалги шеърӣ қиссадан фарқли равишда асардаги образларнинг ҳар бирининг алоҳида-алоҳида васиятлари мавжуд: Биби Фотиманинг Алига, ўғилларига. Имомзодаларнинг оналарини сўнгги маконга олиб бораётиб қилган нолалари, ошуро ойининг фазилати ҳам асардан ўрин олган. Шунингдек, имомзодаларнинг кейинги ҳаётлари, ҳам қисман ёритиб берилган. Ҳар бир воқеа алоҳида сарлавҳа остида берилган.

Кўринадики, бир мавзу доирасида икки муаллиф томонидан ёзилган шеърӣ қисса икки хил талқин этилган. Лекин ғоя бир - эзгуликка чорлаш, аҳдга содиқ, ваъдага вафоли бўлишлик ва ҳар қандай шароитга ҳам инсонларга яхшилик қилиш. Бу бир асарнинг икки муаллиф талқинидаги версияси.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бундай бир мавзу доирасида бир неча шоир томонидан ёзилган шеърӣ қиссаларда ўхшашликлар билан

бирга ўзига хосликлар ҳам бор. Ўхшашлик шундан иборатки, аввало мавзу доираси асосан пайғамбаримиз, у кишининг авлодлари, чахорёрлар ва саҳобалар ҳаётига оид эътиборга лойиқ жиҳатлар, васиятномалар, воқеалар, вафотномалар, қиёматномалар ва ҳоказолардан иборат. Содда услуб, равон тил билан воқеалар баён этилади. Уларда вазнда сакталиклар, қофияларнинг очик қолиши кузатилади. Лекин уларни бирлаштириб турган нарсга ғоявий бирликдир. Фарқли томони шундан иборатки, гарчи мавзу бир бўлса ҳам, ўзига хос оригинал талқин бор. Ҳар бир ижодкор ўша мавзуга ўзгача ёндошган ва талқин қилган [Бу ҳақида қаранг: Munirov Q., 1962].

Яссавий мактаби шорлари анъанага содиқ қолиб ҳикмат, ғазал ва муножотлар ёзганлар. Лекин улар ёзган шеърӣ қиссалар ҳақида сўз борганда савол туғилади – шеърӣ қиссачилик ҳам устоз бошлаб берган анъанами?

Шу кунгача биз Яссавий ёзма меросини ҳикмат, муножот ва ғазал жанри мисолида ўрганганмиз. Лекин кейинги изланишлар натижасида қўлёзмаларда унга нисбат берилган шеърӣ қиссалар учрапти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти фондида 1322, 7154, 9927, ва 1910 инвентарь рақами билан сақланувчи қўлёзмалардан Аҳмад Яссавий асарлари, унинг мактаби шоирлари асарлари билан бирга “Қиссаи имом Аъзам” деб номланган шеърӣ қисса ҳам ўрин олган. Мана шу шеърӣ қисса тўрттала қўлёзмада ҳам Аҳмад Яссавийга нисбат берилган. Лекин шу кунгача бўлган Яссавийшуносликда у ҳикматнавис шоир сифатида танилган. Хожа Аҳмаднинг шеърӣ қисса ёзганлиги ҳақида бирор тадқиқотда сўз айтилмаган. Изланишда давом этамиз. Худди шу фондда 7154 ва 7153 инвентарь рақами билан сақланаётган қўлёзмалар бор. 7153 инвентарь рақамли қўлёзмадан Қул Сулаймон шеърлари, Шамсиддин Ўзгандийнинг шеърлари, тахаллуссиз шеърӣ қиссалар билан бирга “Жобир саҳоба қиссаси” // “Jābir sahāba qissasi” ҳам ўрин олган. Бу шеърӣ қисса ҳам Аҳмад Яссавийга нисбат берилган.

7154 инвентарь рақами билан сақланаётган қўлёзмадан эса Убайдий, Шамсиддин Ўзгандий, Қул Сулаймон ва бошқаларнинг асарлари билан “Қиссаи Имом Аъзам” ҳам ўрин олган. Табиӣ савол туғилади – Аҳмад Яссавий шеърӣ қисса ёзганми, нега шу кунгача Яссавийшунослигимизда унинг шеърӣ қисса ёзганлиги ҳақида хабар учратмаганмиз. Эътибор берайли, бир эмас, бир нечта қўлёзмада

бир хил маълумот – Аҳмад Яссавийнинг шеърӣ қиссаси. Биз аجدодларимиз ёзма меросини ана шу қўлёзмалар туфайлигина вориси бўлиб турибмиз. Шундай экан, бу масалага жиддий ёндошишимиз керак.

Биз ўрганган “Девони ҳикмат” қўлёзмалари ва Яссавий асарлари ўрин олган қўлёзма баёз ва мажмуалар асосан кейинги даврларда қўчирилган. Улар ичида энг қадимийси XVIII аср бошига мансуб. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қўлёзмалардаги шеърларнинг тил хусусиятига қўра фикр юритадиган бўлсак, улар қадимий нусхалар асосида қўчирилган деган хулосага келиш мумкин. Чунки “Девони ҳикмат” қўлёзмалари асосан XVIII ва XIX асрларда қўчирилган бўлса ҳам тили ва матни қадимий. Ҳажм масаласи ҳам турлича: айрим қўлёзмаларда 100 та шеър, айримларида 50 та, яна бошқасида эса 130 та ва ҳоказо. Демак, турли даврларда Яссавий ҳикматларининг турли қисми кенг ёйилган. Қолган қисми эса эътибордан четда қолган. Хожа Аҳмад қаламига мансуб шеърӣ қиссалар тақдири ҳам шундай бўлган деган фикрга ҳам келиш мумкин. “Қиссаи имом Аъзам” матнига эътибор қаратайлик:

*Кўринг қодир қудратин кўрсун дебон санъатин,
Мустафони умматин мундоғ шариф қилдиё.
Йўқ эрдик бор айлади, тан яратди, жон берди,
Қатра сувдин бизларни мундоғ шариф қилдиё.*

*Körin qadīr qudratīn kōrsūn deban san'atīn.
Mustafānī ummatīn munday šarīf qildī-yā.
Yoq erdik bar ayladī, tan yaratdī, jān berdī,
Qatra suvdīn bizlārni munday šarīf qildī-yā*
[№9927:276].

Энди Яссавий ҳикматларига мурожаат этамиз:
*Маломатдин май ичган дийдорга боттиё,
Пир қўлидин май ичган Ҳақ нурига боттиё.*

*Malāmatdīn may ičgān diydārğa battī-ya,
Pir qolīdīn may ičgān Haq nurīga battī-ya*
[№3764:57a].

Мазмун, ғоя, услуб жиҳатидин ўхшаш.
Лекин қиссанинг давомини ўқисак, услубнинг бошқача эканлигига гувоҳ бўламиз:

*...Ота бирла онаси келиб узрин айдиё,
Тили йўқтур деганим фосиқ сўзин аймади.
Кўзи йўқтур деганим номахрамни кўрмади
Қўли йўқтур деганим кишини ҳақин емади.*

*...Ata birlā anasī kelip 'uzrīn aydī-ya,
Tili yoqtur degānim fāsiq sōzīn aymadī.
Kōzi yoqtur degānim nāmahrāmni kōrmādī*

Qolī yoqtur degānim kişini haqin yemādi
[№998:276].

Биз Аҳмад Яссавийнинг воқеавий ҳикматларини ҳам ўқиганмиз:

*...Айтган сўзини битган, нафсу ҳаводин кетган,
Ҳақ Расулни беркитган Або Бакр Сиддиқдур.*

*...Aytgan sözini bitgän, nafs-u havādın ketgän,
Haq Rasulni berkitgän Abā Bakr Siddiqdur.*

Ёки:

...Шариатни бош тутқан, тариқатни рост тутқан,

Ҳақиқатни ҳў билган адолатлик Умардур.

...Şari'atni baş tutqan, tariqatni rast tutqan,

Haqiqatni xop bilgän 'adālatlik 'Umar dur
[№5719:43ф].

Кўринадики, бу шеърӣ қиссани Аҳмад Яссавийга нисбат беришга шошилмаслик лозим. Тўғри, Аҳмад Яссавий содда тил ва услуб билан ёзган, лекин бундай жўн услубда эмас. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Худди шу шеърӣ қисса мазкур институт фондида сақланаётган 9074 инвентарь рақамли қўлёзмада Холисга нисбат берилган.

Шунингдек, “Имом Марғузий қиссаси” // “İmām Marғuziy qissasi” шу институт фондида 575 инвентарь рақамли қўлёзмадан ўрин олган ва Яссавийга нисбат берилган. Қизиғи шундаки, худди шу шеърӣ қисса мазкур фондда 1564 инвентарь рақами билан сақланувчи қўлёзмадан ҳам ўрин олган. Бу нусхада эса шу шеърӣ қисса Мискин Ғарибга нисбат берилган. Демак, Яссавий мактаби шоирлари ижодида шеърӣ қисса ёзиш ҳам худди ҳикмат ёзиш каби анъана. Ҳар бир шоир (албатта ҳаммаси эмас) ўз услуби, ўз овози билан куйлаган. Яъни бир мавзу доирасида ёзилган асарнинг турли версиялари. Лекин барибир бу шеърӣ қиссалардаги мансублик масаласига кейинги изланишлар аниқлик киритади.

Яссавий мактаби шоирларининг асарлари, хусусан шеърӣ қиссалари қўлёзмаларда кенг тарқалган. Туркий тилда ёзилган аксарият қўлёзмаларда Аҳмад Яссавий ва унинг мактаби шоирларининг асарларини кўриш мумкин. Фикримизнинг исботи учун бу ўринда бир қўлёзманинг тавсифини берамиз: XIX асрга мансуб бўлган бу қўлёзма мажмуа бўлиб, шахсий кутубхонада сақланади. Оддий, безаксиз нусха бўлиб, Қўкон қоғозига ўртача настаълиқда битилган. Таркиби:

1. “Вафотномаи ҳазрати Иброҳим” // “Vafātnāmayi Hazrati İbrāhim” – Холис.

2. Расулulloх (с.а.в.) насихтлари – Холис.

3. “Вафотномаи ҳазрати Фотима” // “Vafātnāmayi Hazrati Fātima” – Шамсиддин Ўзгандий.

4. “Вафотномаи имомзодагин” // “Vafātnāmayi imāmzādagin” – Холис.

5. “Қиссаи Қайсар” // “Qissayī Qaysar” – тахаллуссиз.

6. “Ҳасратнома” // “Hasratnāma” – Қосим.

7. “Ҳасратнома” // “Hasratnāma” – Холис.

8. “Сири малак” // “Siri malak” – тахаллуссиз.

9. “Ҳазрати Усмон ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) мустафони меҳмон қилганлари” // “Jazrati Usmān hazrat Muhammad (s.a.v.) mustafāni mehmān qīlğanlari” – Шамсиддин Ўзгандий.

10. “Қиссаи Саъди Ваққос” // “Qissai Sa'di Vaqqās” – Андалиб.

11. “Биби Фотима қиссаси” // “Bibi Fātima qissasi” – Холис.

12. Ҳикматлар // Hikmatlar – Аҳмад Яссавий.

13. Ҳикматлар // Hikmatlar – Сулаймон Бақирғаний.

Қўлёзманинг айрим варақларининг хати суркалган, доғ босган. Икки хаттот томонидан кўчирилган: 99б – 103а ва 238а – 246а варақчада бир услубда, қолган варақлар иккинчи бир услубда.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Айрим варақларда айрим матн остига қизил сиёҳда чизиқ тортилган.

Қўлёзма матни икки хил: 1 ва 2 устунли 19 йўлдан. Ўлчаи 25х15,5.

251 варақ (502 бет) дан иборат.

Кўринадики, бир қўлёзмадан шунча асар (Яссавий ва унинг мактаби шоирларига мансуб) ўрин олган экан. Бундай манбалар қўлёзмалар фондида оз эмаслиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Демак, жуда кўп тадқиқотларга мавзу бўла оладиган ёзма манбалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

НАТИЖА

Яссавий мактаби шоирлари ижоди ҳақида сўз кетганда, албатта, бу мактаб шоирлари сафига кимлар кириши масаласи кўндаланг туради. Яссавий асос солган анъана – ўзига хос услуб ва ғоявий бирлик бор. Ана шу жиҳат бу шоирларни бир гуруҳга бирлаштиришини таъкидлаш лозим. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, қўлёзма манбалар сони ортган сари бу мактабга мансуб шоирлар сафи ҳам кенгайиб борапти. Биз билган ва билмаган бу мактаб аҳлининг асарлари матни билан ҳам танишдик. Бу қўлёзмалар

(юқорида таъкидланган 200 атрофидаги) ни ўрганиш жараёнида кузатганларимиз қуйидагилар:

1. Бу қўлёмаларда мансублик масаласида муаммолар бор. Уларда тахаллуссиз шеърлар ва шеърӣ қиссалар кўплаб учрайди, бундай асарларнинг услуби ва ғояси шу мактабга хос. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2596 инвентарь рақами билан сақланаётган қўлёмалардан “Имом Аъзам қиссаси” ўрин олган (Биз юқорида бу шеърӣ қиссанинг Яссавий асарлари ўрин олган бир неча қўлёмаларда учратганимизни айтгандик). Лекин бу шеърӣ қисса ана шу 2596 инвентарь рақамли қўлёмаларда тахаллуссиз ҳолда келган. Худди шу қўлёмалардан ўрин олган бошқа бир шеърӣ қисса (бу шеърӣ қиссалар бошқа қўлёмаларда Сайқалий қаламига мансублиги кўриниб турган ҳолда келганининг гувоҳи бўлганмиз) тахаллуссиз асар сифатида ёки бошқа бир шоир тахаллуси билан келган.

2. Бир шеърӣ қисса бир неча қўлёмаларда Қул Сулаймоннинг асари сифатида келган, лекин иккинчи бир қўлёмаларда Аҳмад Яссавийга мансуб асар сифатида келган. Шу институт фондида 378, 1090 инвентарь рақами билан сақланувчи қўлёмалар мисолида бунга далил келтириш мумкин.

Яна мисолларга мурожат этамиз, Яссавийда:

Ул аласту бироббикум деганида,

Қолу бало деганимни билолмасман

Ul alastu birābbikum degānidā,

Qālu balā degānimni bilālmāsmān [№11416:322⁶].

Қул Темурийда:

Ул аласту бироббикум деганида,

Қолу бало деганимни билолмасман.

Ul alastu birābbikum degānidā,

Qālu balā degānimni bilālmāsmān [№7488:120^a].

Яссавийда:

Умрум охир бўлганда на қилгайман, Худоё,

Жон олғучи келганда на қилгайман Худоё.

‘Umrūm āxir boḷyanda na qīḷayuman, Xudāyā.

Jān alḡuḡī kelgāndā na qīḷayuman, Xudāyā

[№998:22⁶].

Қул Сулаймонда:

Умрум охир бўлганда на қилгайман, Худоё.

Жон олғучи келганда на қилгайман, Худоё.

‘Umrūm āxir boḷyanda na qīḷayuman, Xudāyā.

Jān alḡuḡī kelgāndā na qīḷayuman, Xudāyā [№895:148⁶].

ва ҳоказо.

3. Бу мактаб шоирлари бир неча тахаллус билан ижод қилганлар. Масалан, Шамсиддин Ўзгандий, Шамс, Шамси Осий, Шамси Ўзгандий ва ҳоказолар. Бу яна бир ҳал этилиши зарур бўлган муаммони келтириб чиқаради. Балки юқорида тамоман янги исмлар остида номлари келтирилган шоирлар ичида ҳам шундайлари бордир. Масалан, Аҳмад - Қул Хожа Аҳмад, Аҳмад Хожа ёки Муҳаммад Олим – Муҳаммадқули, Қул Муҳаммад ва ҳоказо.

4. Бу мактаб ижодкорларидан бир шоирнинг шеъри матни биров ўзгариш билан иккинчи шоир шеърида такрорланганини кўриш мумкин. Масалан (шеър мактаблари мисолида),

Яссавийда:

Эй Қул Аҳмад, сен букун қилғил ибодат тун-у кун,

Демагил умурумдур узун, билмамки ҳолим на бўлур.

Ey Qul Ahmad, sen бүкүн qīḷīl ‘ibādat tūn-ū kün, Demāgil ‘umurumdur uzun, bilmāmkī hālīm na bolur [№3764, 49^a].

Қул Сулаймонда:

Қул Сулаймон билдиринг букун, демаки умрингдур узун,

Қилғил ибодат тун-кун, билмамки ҳолим на бўлур.

Qul Sulaymān bildirin бүкүн, demāki ‘umrīḡdur uzun,

Qīḷīl ‘ibādat tūn-kün, bilmāmkī hālīm na bolurn [№8405:136^a].

Энди шеърларнинг матлаби мисолида кўриб чиқамиз.

Яссавийда:

Дўзах анда тек турди, би ҳишишга узрин айтти,

Қул Хожа Аҳмад на билди, билдирғувчи Яздон бор

Dozax anda tek turdī, bbihištga ‘uzrīn aytī, Qul Xāja Ahmad na bildi, bildirḡüvḡi Yazdān bar [№5716,69⁶].

Қул Сулаймонда:

Тамуғ мунглаша келди, узмахга узр қолди,
Қул Сулаймон на билди, билдирғувчи раҳмон бор.

Tamuy müḡlāšā keldi, uзмахга ‘uzr qaldī, Qul Sulaymān na bildi, bildirḡüvḡi rahmān bar [№9927P142^a].

ХУЛОСА

Биз бу ўринда фақат Аҳмад Яссавий ва Қул Сулаймон асарлари мисолида бу масалани ёритиб беришга ҳаракат қилдик, лекин бундай мисоллар бу мактаб шоирларининг кўпига тегишли. Буни икки хил йўл билан изоҳлаш мумкин. Бири ушбу мактабга хос бўлган анъана. Яна бири котиблар иши. Ҳар икки ҳолатда ҳам мансублик масаласини ҳал этиш учун бу мактаб шоирларининг ижодини матншунослик манбашунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганиш зарур.

Умуман, бу мактаб шоирлари ёзма меросини кузатиб шунга ҳайратланасизки, ижодда, бу қадар ўхшашлик ажаблантиради кишини, анъанага бу қадар содиқлик.

Демак, Аҳмад Яссавий издош тарбиялашда ҳам ибрат бўларлик иш қилган экан. У бошлаб берган анъанани издошлари шу қадар садоқат билан давом эттирганлар. Бирор шоирнинг ана шу йўлдан бирз юўлса-да оғишганини кузатмайсиз. Албатта, улар ҳар қанча анъанага содиқ бўлсалар-да, ўзига хос услубларига эга эканликларини ҳам унутмаслик лозим.

Юқоридаги келтирилган айрим мисоллардан маълум бўляптики, Яссавий мактаби шоирлари ижодидаги мансублик масаласини ҳал қилиш юқори даражадаги манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларини талаб қилади. Шундагина биз бу масалага аниқлик кирита оламиз. Қайси ҳикмат кимга тегишли, нима учун бир қўлёзмада Қул Сулаймонга тегишли асар иккинчи бир қўлёзмада бироз бироз ўзгариш билан Шамсиддин Ўзгандий ёки Қул Ғарибга мансуб асар сифатида келяпти. Ёки бир қўлёзмада Иқоний таҳаллуси билан ёзилган бир шеър иккинчи бир қўлёзмада таҳаллуссиз ёзилган шеър сифтида келяпти. Бундай матний халма-хилликка асосий сабаб нима.

Сир эмаски, бугунги кун манбашунослиги ва матншунослигида қилинадиган ишлар ҳамолдинда. Шу кунгача фақат Аҳмад Яссавий асарлари каталоглари, илмий матни тузилган, холос. Яссавий мактаби шоирлари 40 дан ортиқ бўлса улардан улардан айримларининг асарларигина нашр этилган. Кўпчилигининг номи ҳам илмга маълум ҳам эмас.

Демак, бугунги Яссавийшунослик олдида қуйидаги долзарб вазифалар турибди:

1. Бу мактаб шоирлари ёзма меросини бир-биридан ажратиб олиш.

2. Яссавий издошларидан ҳар бирининг асарларини нашр эттириш.

3. Уларнинг асарлари ўрин олган қўлёзмалар каталогини тузиш.

4. Бу мактаб шоирларига нисбат берилган шеърлар ва шеърий қиссалардаги мансублик масаласини ҳал этиш.

5. Бу шоирлар асарлари илмий матнлирини тузиш.

Бу масалалар ҳал этилмас экан, Яссавий мактаби деб юритиладиган катта бир мактаб ижодкорларининг ёзма меросидаги айрим чалкашлилар ўз ечимини топмайди. Бу хусусда изланишлар олиб борилмоқда, лекин асосий қилинадиган ишлар олдинда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Эшмухамедова М. (2003) “Девони ҳикмат” қўлёзмалари. – Тошкент: ТошДШИ, 2003.
2. Эшмухамедова М. (2008) “Девони ҳикмат” йиғма қиёсий матни. – Тошкент: ТошДШИ, 2008.
3. Эшмухамедова М. (2010) Аҳмад Яссавий ҳикматлари киритилган қўлёзмалар каталоги (қайта тўлдирилган нашри). – Тошкент: Тошдши, 2010.
4. №1576 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
5. №3966 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
6. №1910 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
7. №5715 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
8. №12441 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
9. №1322 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
10. №7488 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
11. №11416 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
12. №7488 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
13. №895 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
14. №5716 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
15. №3764 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.

16. №4002 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
17. №7154 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
18. №1564 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
19. №998 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
20. №3966 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
21. №5719 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
22. №7488 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
23. №715 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланувчи қўлёзма.
24. № 431 Алишер Навоий номидаги давлат адабиёти музейи фондида сақланувчи қўлёзма.
25. Муниров Қ. (1962) Шарқ қўлёзмалари. – Тошкент, 1962.
13. №895 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
14. №5716 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
15. №3764 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
16. №4002 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
17. №7154 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
18. №1564 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
19. №998 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
20. №3966 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
21. №5719 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
22. №7488 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
23. №715 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
24. № 431 Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyoti muzeyi fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
25. Munirov Q. (1962) Sharq qo'lyozmalari. – Toshkent, 1962.

АДАБИЁТЛАР:

1. Eshmuxamedova M. (2003) “Devoni hikmat” qo'lyozmalari. – Toshkent: ToshDSHI, 2003.
2. Eshmuxamedova M. (2008) “Devoni hikmat” yig'ma qiyosiy matni. – Toshkent: ToshDSHI, 2008.
3. Eshmuxamedova M. (2010) Ahmad Yassaviy hikmatlari kiritilgan qo'lyozmalar katalogi (qayta to'ldirilgan nashri). – Toshkent: Toshdshi, 2010.
4. № 1576 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
5. №3966 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
6. №1910 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
7. № 5715 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
8. №12441 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
9. № 1322 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
10. №7488 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
11. №11416 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.
12. №7488 O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti fondida saqlanuvchi qo'lyozma.